

б) захира манбаини автоматик улаш, автоматик кайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вактида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истемолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истемолчининг ягона электр энергетика тизимининг энг катта кучланиши соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, хисобкитоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун кисми учун кайта хисоб-китоб килинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида кўшимча ҳақ ундирилади.

Кўшимча Кувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Кувватдан фойдаланиш хукукини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, курғоқчилик, сув тошкени, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

## VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган хисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Газначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисми хисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳакида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган хисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнинда тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблаг олувчилик учун 2009 йил 16 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2007-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг газна ижроси Қоидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йилгacha белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл кўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ти Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йил 22 августдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқкан тақдирда, тарафлар, коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар қонунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.